

**Ижобий фикр билдирилган  
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

**«Марказий дехқон бозори» акциядорлик жамияти раҳбариятига**

Мен, «TRANS AUDIT - А»МЧЖ аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган, барча хўжалик юритувчи субектларда аудит ўтказиш ҳуқуқини берувчи 2019 йил 17 апрелдаги № 00825 сонли лицензиясига мувофиқ) аудитори Тўлаев У.И. томонидан Молия вазирлигининг № 04852 сонли 2010 йил 10 июлда берилган сертификатига асосан хўжалик юритувчи субъект «Марказий дехқон бозори» АЖнинг 2019 йил 31 декабрь ҳолатига тайёрланган Бухгалтерия баланси-1-сонли шакл, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот-2-сонли шакллари ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилди.

**Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ молиявий ҳисботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

**Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисбот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Марказий дехқон бозори» АЖнинг илова қилинган молиявий ҳисботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисбот ва бошқа молиявий ахборотлар барча мухимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисбот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисбот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисблаймиз.

**Ижобий фикр**

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Марказий дехқон бозори» АЖнинг 2019 йил 31декабрьхолатидаги молиявий ҳисботи барча мухимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига мувофиқ келади.

**Аудиторлик ташкилоти  
раҳбари**

**И.М.Тахиров**

**Аудитор**

**У.И.Тўлаев**

*08июн 2020 йил  
Тошкент шаҳри*